



Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам асҳоблари билан йўлга чиқдилар ва Бадрга мушриклардан олдин етиб келдилар. Мушриклар яқинлашгач Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: «Кенглиги осмонлар ва ерчалик бўлган жаннатга туинглар!», дедилар. Шунда Умайр ибн Ҳумом Ансорий:

- Ѓ Расулуллоҳ, кенглиги осмонлар ва ерчалик бўлган жаннатга дедингизми?- деди.

- Ха!- дедилар Расуулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам.



- Бай-бай!- деди Умайр.
 - Бай-бай дейишиңгизга сизни нима ундаиди?- сүрадилар Набий соллаллоху алайҳи ва саллам.
 - Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, ўша жаннат аҳлидан бўлиш орзусигина мени бунга ундаиди,- деб жавоб қилди Умайр.
 - Сиз унинг аҳлидансиз!- дедилар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам.

Умайр халтасидан бир неча дона хурмо чиқариб ея бошлади, сўнгра:

- Шу хурмоларимни еб бўлгунимча тирик бўладиган бўлсам ҳаётим жуда чўзилиб кетади!- деб, қолган хурмоларини улоқтирди-да, мушриклар билан жангта шўнғиди ва шаҳид бўлди (Имом Муслим ривояти).



Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Амаким Анас ибн Назр Бадр жангига қатнаша олмаган эди. У: «Ё Расулуллоҳ, мушриклар билан қилган биринчи жангингизда мен қатнаша олмадим. Қасамки, агар Аллоҳ мени мушриклар билан урушишга ҳозир қилса, нима қилишимни албатта кўради», деди. Уҳуд жангига куни мусулмонлар ортга чекинишган пайт у: «Эй Парвардигор, бу биродарларим қилган ишдан Сенга узр айтаман, ановилар (яъни мушриклар) қилган ишдан поклигимни Сенга билдираман», деди, сўнг олдинга ташланаркан, Саъд ибн Муозга йўлиқди ва: «Эй Саъд, Назрнинг Парвардигорига қасамки, мен жаннатнинг ҳидини Уҳуд томондан топаяпман», деди. Саъд деди: «Ё Расулуллоҳ, мен Анас қилгандек жанг қилишга қодир бўлмадим». Анас ибн Молик айтади: «Биз унинг танасида саксондан ортиқ қилич зарбаси, найза ё камон ўқининг изини топдик» (Ином Бухорий ривояти).



Аъробийлардан бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб иймон келтирди ва у зотга эргашди. Кейин: -Сиз билан бирга ҳижрат қилсам,- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни асҳобларидан бирига топширдилар. Бир жангда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қанча ўлжаларни қўлга киритдилар ва аъробийга ҳам улуш ажратдилар. Ўша вақтда у тую боқиб юрган эди. Қайтиб келгач, асҳоблар унга улушкини беришди.

- Нима бу?- деб сўради аъробий.

- Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга ажратган улуш, - дейишиди асҳоблар. Аъробий улушни олиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига борди:

- Ё Расулуллох, бу нима?- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам:

- Сенинг улушкинг, - дедилар. Аъробий:



- Мен бунинг учун сизга эргашмаганман. Балки мана бу еримга ўқ тегиб ўлсаму сўнг жаннатга кирсам, деган умидда эргашгандим, - деб халқумига ишора қилди.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

- Агар шу аҳдингда Аллоҳга содик бўлсанг, Аллоҳ умидингни рўёбга чиқаради, - дедилар.

Орадан бир оз вақт ўтгач, душман билан жангга туришди, сўнг унинг жасадини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига олиб келишиди. Унга ўзи кўрсатган ерига ўқ теккан эди.

- Бу ўшами?- деб сўрадилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам.
Асҳоблар:

- Ха,- деб жавоб қилишиди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: -У Аллоҳга берган аҳдида содик турганди, Аллоҳ ҳам унинг умидини рўёбга чиқарди,- дедилар ва уни ўзларининг кийимларига кафналатиб жаноза ўқидилар ва шундай дуо қилганлари эшитилди: «Парвардигоро, бу банданг Сенинг йўлингда ҳижрат қилиб чиқди ва жанг қилиб шаҳид бўлди. Мен унга гувоҳман» (Имом Насоий ривояти).

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Саҳобалар розияллоҳу анҳумнинг иймонлари ғоят кучли ва Аллоҳ йўлида шаҳид бўлишга иштиёқлари баланд эди;
2. Улар ўта шиҷоатли ва яхшиликларга ошиқувчи эдилар.